Юклашнинг боши	8^{00}	8^{23}	8^{46}	9^{09}	9^{32}	9^{55}
Юклашнинг охири	8^{10}	8^{33}	8^{56}	9^{19}	9^{42}	10^{05}
Температура кўтаришнинг охири	8^{30}	8^{53}	9^{16}	9^{39}	10^{02}	10^{25}
Стерилизациянинг охири	9^{00}	9^{23}	9^{46}	10^{09}	10^{32}	10^{55}
Совитишнинг тугаши	9^{20}	9^{43}	10^{06}	10^{29}	10^{52}	11^{15}
Бўшатишнинг тугаши	9^{30}	9^{53}	10^{16}	10^{39}	11^{02}	11^{25}

Рахбар	Юсупов А.			
Бажарди	Сафаров Б			
Узг	Варак	№ ҳужжат	Имзо	Сана

001.001.023. БМИ. 2012 й.

Варак

И с с и қ л и к х и с о б и.

1. 1чи босқичда сарф бўладиган буғ миқдорини аниқлаймиз

1. Автоклавни қиздиришга сарф бўлган иссиқлик миқдорини аниқлаймиз.

$$K_1 = \Gamma_1 C_1 (T_c - T_1) = 990 - 0,481 (120 - 35) = 40476 \text{ кДж}$$

Γ_1 – автоклав массаси

C_1 – пўлатнинг иссиқлик сиғими

T_c - стерилизация температураси

T_1 - стерилизациядан кейинги босқичдаги харорат;

$$T_1 = 40 - 5 = 350^0\text{C}$$

2. Сеткаларни қиздиришга сарф бўлган иссиқлик миқдорини аниқлаймиз

$$K_2 = \Gamma_2 C_2 (T_c - T_2) = 200 * 0.481 (120 - 25) = 9139 \text{ кДж}$$

Γ_2 - автоклав сеткасининг массаси.

C_2 - пўлатнинг иссиқлик сиғими

3. Идишларни қиздиришга сарф бўлган иссиқлик миқдорини аниқлаймиз.

$$K_3 = \Gamma_3 C_3 (T_c - T_3) = 210 * 0.84 (120 - 75) = 7938 \text{ кДж}$$

$$\Gamma_3 = 700 - 0.3 = 210 \text{ кг}$$

Γ_3 - идишларнинг массаси.

C_3 - шишанинг иссиқлик сиғими

4. Маҳсулотни қиздиришга сарф бўлган иссиқлик миқдорини аниқлаймиз:

$$K_4 = \Gamma_4 C_4 (T_c - T_4) = 455 * 4.02 (120 - 75) = 82310 \text{ кДж}$$

$$\Gamma_4 = 700 * 0.65 = 455 \text{ кг}$$

Γ_4 - Маҳсулот сеткасининг массаси.

C_4 - Маҳсулотнинг иссиқлик сиғими

5. Сувни қиздиришга сарф бўлган иссиқлик миқдорини аниқлаймиз:

$$K_5 = \Gamma_5 * C_5 (T_c - T_1) = 650 * 4.18 (120 - 35) = 230945 \text{ кДж}$$

Γ_5 - Сувнинг массаси.

Рахбар	Юсупов А..			001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б				
Узг	Варак	№ хужжат	Имзо		Сана

C₅ - Сувнинг иссиқлик сиғими

6. Атроф муҳитга сарф бўлган иссиқлик миқдорини аниқлаймиз:

$$K_6 = \Phi_2 * \epsilon * L_0 (T_c - T_6) = 8,4 * 1200 * 10,68 * (120 - 25) = 10227168 \text{ кДж}$$

Φ_2 = автоклавнинг нурланиш майдони.

б- қиздиришнинг давомийлиги

$$L_0 = 9,7 + 0,07 (T_{ст} - T_6) = 9,7 + 0,07(39 - 25) = 10,68$$

$$35 + 120$$

$$T_{ст} = \frac{35 + 120}{4} = 39^0 \text{ C}$$

4

$T_{ст}$ - автоклав деворининг температураси.

L_0 – иссиқлик бериш коэффиценти.

7. Биринчи босқичда сарф бўлган умумий иссиқликнинг миқдорини аниқлаймиз:

$$K_{ум} K_1 + K_2 + \dots + K_6 = 40476 + 9139 + 7938 + 82310 + 230945 = 10597976 \text{ кДж}$$

8.1чи босқичдаги сарф бўлган буғ миқдорини аниқлаймиз

$$D_1 = \frac{K_{ум}}{ин - зн} = \frac{10597976}{2627 - 502} = 4987,2 \text{ кг}$$

2чи босқичда сарф бўладиган буғ миқдорини аниқлаймиз.

9. Автоклав ишнинг 2чи босқичида сарф бўлган иссиқлик фақат атроф муҳитга сарф бўлган иссиқлик миқдорини компенсация қилиш учун сарфланади.

$$K_7 = \Phi_3 \cdot c_n \cdot L_0^1 (T_{ст}^1 - T_6)$$

$$L_0 = 9,7 + 0,07 (T_{ст}^1 - T_6) = 9,7 + 0,07(60 - 25) = 12,15$$

$$K_7 = \Phi_3 \cdot c_n \cdot L_0^1 (T_{ст}^1 - T_6) = 8,4 * 1800 * 12,15(60 - 25) = 6429780 \text{ кДж}$$

Рахбар	Юсупов А..		
Бажарди	Сафаров Б		
Узг	Варак	№ хужжат	Имзо Сана

001.001.023. БМИ. 2012 й.

Варак

10.2чи босқичдаги сарф бўлган буғ миқдорини аниқлаймиз

$$D_2 = \frac{6429780}{2627 - 502} - \frac{6429780}{2125} = 3025 \text{ кг}$$

11. Умумий буғ сарфи

$$D = D_1 + D_2 = 4987,2 + 3025 = 8012,2 \text{ кг}$$

соатлик буғ сарфи

12. Совитадиган сув сарфини аниқлаймиз

$$W = 2.303 \left(\Gamma_1 \frac{C_1}{C_B} \text{ИГ} \frac{T_C - T_B}{T_K - T_0} + \Gamma_2 \frac{C_{\text{нл}}}{\text{Ч}} \text{ИГ} \frac{T_C - T_B}{T_H - T_0} \right) =$$

$$= 2.303 \left(455 \frac{4.02}{4.18} \text{ЛГ} \frac{85-20}{40-20} + 2050 \frac{1.69}{4.18} \text{Л}_{\text{й}} \frac{85-20}{55-20} \right)$$

$$\Gamma_2 = 990 + 200 + 210 + 650 = 2050 \text{ кг}$$

$$C_{\text{пр}} = \frac{(990 \cdot 0.481 + 200 \cdot 0.481 \cdot 0.84 + 650 \cdot 4.18)}{2050} = 1.69 \text{ кДж / кг}$$

$$W = 2.303 \left(\Gamma_1 \frac{C_1}{C_B} \text{ИГ} \frac{T_C - T_B}{T_K - T_0} + \Gamma_2 \frac{C_{\text{нл}}}{\text{Ч}} \text{ИГ} \frac{T_C - T_B}{T_H - T_0} \right) =$$

$$= 2.303 \left(455 \frac{4.02}{4.18} \text{ЛГ} \frac{120-25}{40-25} + 2050 \frac{1.69}{4.18} \text{Л}_{\text{й}} \frac{120-20}{40-25} \right) = 2,303$$

$$\left(455 \frac{4.02}{4.18} \text{ЛГ} 0,8 + 2050 \frac{1,69}{4,18} * 0,8 \right) = 2,303$$

$$(327,6 + 315) = 2170,8.$$

Рахбар	Юсупов А..			001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б				
Узг	Варак	Не хужжат	Имзо		Сана

Маҳсулотга қўйиладиган талаблар

“ Пиёз қўшилган лавлаги салати” бизнинг республикамизда жуда катта хажмда ишлаб чиқарилади. Консерваланган салатларда озуқавий моддалар яхши сақланади. Бу салат жуда юқори калорияли ҳисобланади. Консерваланган сабзавотлар техник етилиш даврида йиғиштирилиб олинади. Бу саноат сабзавотли тамадди консервалар гуруҳига киради. Сабзавотли тамадди консерваларда ёғнинг миқдори 3-5% гача бўлади. Бу салатнинг асосий химиявий кўрсаткичлари сақланганда кам ўзгаради. Бу консервалар 1-2йил давомида ўзининг сифатини ўзгартирмасдан сақланиши мумкин. Бу салатлар овқатланиш рационасида жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки унинг таркибида хар хил органик кислоталар, витаминлар, ароматик моддалар, минерал моддалар, озуқавий моддалар мавжуд.

“ Пиёз қўшилган лавлаги салати” бўлакларга бўлинган лавлаги, ғилдирак шаклида кесилган пиёз, зираворлар, шакар, туз, уксус кислотаси, ўсимлик мойи қўшиб герметик маҳкамланиб, стерилизацияланиб, тайёрланади.

Химиявий таркиби

Сув-85,25%

Ёғ -3%

Углеводлар -8,9%

Витаминлар:

В каротин - 0,01_{мг/кг}

В₁ - 0,01_{мг/кг}

Рр - 0,13_{мг/кг}

С - 2,7_{мг/кг}

$A_1 * \text{ч}_1 + A_2 * \text{ч}_2$

$K_{100} = \text{-----} * 100, \text{Ккал}$

В

A_1 – углеводларнинг маҳсулотдаги массаси

ч_1 - ёғларнинг маҳсулотдаги массаси

A_2 – углеводнинг калорияси.

Рахбар	Юсупов А.			001.001.027. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б				
Ўзг	Варак	№ хужжат	Имзо		Сана

Ч₂ - ёғларнинг калорияси.

В - маҳсулотнинг калорияси.

Тайёр маҳсулотга стандарт талаби.

ТУ 10-03-686-92 бўйича салатлар 1 сортли қилиб ишлаб чиқарилади.

Салатга сунъий ранглар синтетик ароматик моддалар қўшиш ман этилади. Бу салатга рецептура бўйича уксус кислотаси, туз, шакар, ёғ қўшилади. Ташқи кўриниши бўйича лавлаги кубикчалар шаклида, пиёз айлана шаклида, кесилган бўлиши керак.

Физик- химик кўрсаткичлар.

Маҳсулотнинг суюқ қисми -22%

Хлоридлар – 1, 0- 1,5 %

Титрланадиган кислоталар – (уксус кислота ҳисобида) – 0,4 -0,6%

Актив кислоталик (рН) – 4,5

Оғир металл тузлари – 0,01мг/кг

Туз – 2-3%

Рахбар	Юсупов А.			001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б				
Узг	Варак	№ хужжат	Имзо		Сана

4. Экология ва атроф муҳит муҳофазаси

Қозонлар ва буғлагичлардан фойдаланишда хавфсизлик талаблари

Ҳар қайси буғ қозонида иккита сақлагич клапан бўлиб, улардан бири контрол клапандир. Иш унуми 100 кг/соатдан ошмайдиган қозонларда фақат битта сақлагич клапан бўлишига йўл қўйилади. Якка ва контрол клапанлар шундай тузилганки, хизмат кўрсатувчи ходим уларнинг ростланишини ўзгартира олмайди. Иш босими 1270 кПа (13 кгк/см²) гача бўлган қозонларда якка ёки контрол клапан 19,6 кПа (0,2 кгк/см²) иш босимига, иш сақлагич клапани еса 29,4 кПа (0,3 кгк/см²) иш босимига мўлжалланган. Буғни ўта қиздиргичлар, економайзерлар ҳам сақлагич клапанлари билан жиҳозланади. Қозонлар ҳам сифон найчали манометрлар (манометрга буғ емас, балки конденсат таъсир етиши учун), сақлагич туридаги сув кўрсаткич шишалар ва қозондаги сув сатҳини назорат қилиш кранчалари билан жиҳозланган. Сув иситиш қозонларига термометрлар қўйилади. Босим остида ишлайдиган қозонлар ва бошқа идишлар манометрларининг сиферблатида чегара босимини кўрсатувчи қизил чизиқча бўлади. Улар ҳар йили текширилади ва ишга яроқлиларига муҳр қўйилади.

Ҳар қайси қозонга ип ўтказиб тикилган қозонхона китоби юритилиб, унда қозонни текшириш натижалари ва ундан фойдаланишнинг белгиланган муддатлари кўрсатилади. Янги ёки таъмирдан чиққан ускуна текширилгандан ва гидравлик синовдан ўтказилганидан кейин ишлатишга қўйилади, иш босими 69 кПа (0,7 кгк/см²) дан ортиқ бўлганда еса Давлат енергоназорат инспекциясидан рухсат олинганидан кейин ишлашга йўл қўйилади.

Қозонни текшириш – обмуровкани деворлар ва уларнинг барабанларга яқин чокларини, буғ қиздиргични таъмирлаш ва тутун чиқариш трубаларини ички томондан текширишдан иборат. Фойдаланиш вақтида қозонлар даврий равишда корхона — қозон егаси тайинлаган комиссия (йилига бир марта) ва Давлат енергоназоратининг инспектори (4 йилда бир марта) томонидан текширилади. Ичкарида кўздан кечиришдан олдин қозон совитилади ва қуйка, кул, қурумдан яхшилаб тозаланади.

Иш босимида гидравлик синашни корхона, яъни қозон егаси ҳар гал қозоннинг ички сирти тозалангандан ёки таъмирлангандан кейин ўтказилади. Бундан ташқари, қозон камида 8 йилда бир марта синов босими билан 5 минут давомида гидравлик синалади. Бу босим 490 кПа (5 кгк/см²) ва ундан паст иш босимига мўлжалланган буғ қозонлари ҳамда буғни ўта қиздиргичлар учун иш босимининг 150 фоизини ташкил қилади, лекин 196 кПа (2 кгк/см²) дан кам бўлмайди, 490 кПа (5 кгк/см²) дан ортиқ иш босимига мўлжалланган буғ қозонлари учун, шунингдек, ҳар қандай босимли сув иситиш қозонлари учун синов босими иш босимининг 125 фоизини ташкил қилади, аммо ундан камида 294 кПа (3 кгк/см²) га ортиқ бўлади. Сув иситгич ва тўғри оқимли қозонлар учун максимал юклов қозонга киришдаги босим

Раҳбар	Юсупов А.				001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б					
Узг	Варак	№ хужжат	Имзо	Сана		

иш босими деб қабул қилинади. Қозонларда (буғни ўта қиздиргичлар, економайзерлар) агар ёрилиш ёки қолдиқ деформациялар сезилмаса, шунингдек, сув сизмаса, гидравлик синовга бардош берди деб ҳисоблаш мумкин. Ҳатто майда томчилар ҳам («томиш» ёки «терлаш»), агар бу томчилар пайванд чокларда ёки қозоннинг бутун деворларида пайдо бўлса, сизиш деб ҳисобланади. Парчин миҳли чоклардаги «томишлар» ёки арматуранинг нозичлиги туфайли сувнинг чиқиши сизиш деб ҳисобланмайди.

Ички томондан кўздан кечириш ва гидравлик синашлардан ташқари Давлат енергоназорат инспектори қозонхонанинг ҳолати, таъмирлаш асбоблари, манометрларни, қозонларнинг тўғри ишлатилаётганини ва ходимларнинг ишлаш қоидаларини билишларини аниқлаган ҳолда баъзи қозонларни ташқи томондан ҳам текшириб чиқиши мумкин.

Хонага чет кишиларни киритиш ёки қозонлар ва буғ машиналарига хизмат қилишга, уларни ишлатишга ҳуқуқ берадиган ҳамда билими текширилганлиги ҳақида белги қўйилган гувоҳномаси бўлмаган шахсларга топшириш мумкин эмас. Електр станциялари иссиқлик қисмининг ходими ишга киришда ва ҳар йили мунтазам тиббий кўрикдан ўтади.

Куйдириши мумкин бўлган ҳамма иссиқ қисмлар (буғ трубалари ва ҳоказолар) иссиқлик изоляцияси билан қопланади. Қизиган сиртлардан, буғ, сув ёки ўтхона газларидан куйиб қолиши мумкин бўлган ходим коржомода, махсус оёқ кийимда ва химоя воситалари (кўлқоплар, химоя кўзойнаклари)дан фойдаланиб ишлайди. Коржоманинг енгларини шимариб кўйиш ман қилинади, сочлар бош кийим остига олинади.

Қозон таъмирлангандан сўнг ўт ёқишдан олдин ўтхонада ва газ йўлларида одамлар қолмаганлигига, сақлагич клапанларнинг зағлушкалари чиқариб олинганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Ёнилғи буғларини ва ҳавонинг портлашга хавfli аралашмасини чиқариб юбориш учун ўтхона ва газ йўллари 10-15 минут давомида шамоллатилади. Бунинг учун ўтхона ешикчалари, (ўтхона остидаги ҳаво кирадиган тешик), табиий тортиш йўлининг шиберлари, тўсиқлари очилади, агар тутун сўргичлар ва вентиляторлар бўлса, улар ишга туширилади. Агар қозонхонада газ иси бўлса, у ерни 10-15 минут давомида тортувчи вентиляцияси ёрдамида шамоллатиш керак.

Суyoқ ёнилғи билан ёқиладиган газ горелкалари ёки форсункаларни дастлабки усулда ўт олдириш билан ёндириш мумкин. Агар газ ёки мазут ёнмаса ёхуд иш вақтида ўчиб қолса, ёнилғи беришни тўхтатиш, ўт олдиришни чегаралаш ва ўтхонани яна шамоллатиш керак. Газ ёки мазут шуъласини ёндириш ярамайди, бу ўтхонада портлаш юз беришига олиб келиши мумкин. Тўсатдан отилиб чиққан алангадан куйиб қолмаслик учун ўт ёқишда ўтхонанинг ўт ёқиш люкларининг ёки кўриш туйнукларининг рўпарасида туриш мумкин эмас.

Қозон бир неча соат давомида аста-секин қиздирилади. Ҳаво чиқариш учун очиб қўйилган сақлагич клапандан ёки махсус ҳаво кранидан буғ чиқа бошласа, кран беркитилади ва махсус ҳаво пуфлаш кранчалари ёрдамида

Раҳбар	Юсупов А..	Сифон найпаси, кейин сув кўрсаткич шиша ҳам ҳаво оқими			Варак
Бажарди	Сафаров Б	001.001.023. БМИ. 2012 й.			
Узг	Варак				№ хужжат

билан тозаланади. Кейинчалик манометрлар ва сув кўрсаткич шишаларнинг нотўғри кўрсатиши олдини олиш учун улар ифлосланиб қолганда камида ҳар сменада бир марта (уни қабул қилиб олишда) ҳаво оқими билан пуфлаб тозаланади. Пасайган сатҳнинг кўрсаткичлари барабандаги сув кўрсаткичлари билан сменада икки марта солиштирилади. Шишаларни ҳаво оқими билан тозалашда жўмракларни қўлга қўлқоп кийиб, шиша синиб кетганда куйиб қолмаслик учун шишадан чўзилган қўл узунлигида четда туриб бир текисда очиш керак. Сув кўрсаткич шишани ёки манометрни тақиллатиб уриш ярамайди. Бундай қилинганда шиша ёки манометрнинг шиша найчаси ёрилиб кетиши мумкин. Манометрнинг созлигини уч йўлли кран ёрдамида ҳаво билан қисқа муддатли туташтириб синаб кўриш тавсия етилади. Манометр стрелкаси нолгача тушиши, уни ишга туширганда еса олдинги вазиятига қайтиши зарур. Агар қозондаги босим нолдан ортиқ бўлса, қозонда, арматура ва трубопроводларда ҳеч қандай таъмирлаш ишларини бажариш мумкин емас.

Буғ қозонларини сув билан таъминлаш учун бир-биридан мустақил равишда ишга тушириладиган камида иккита таъминлаш асбоби ёки кичик қувватли қозонларда инжектор ўрнатилади. Бу асбобларнинг ишлаши уларни навбатма-навбат ишга тушириб, сменада камида бир марта, уни қабул қилиб олишда текширилади. Айни бир вақтда сақлагич клапанларни ричагларининг учидан ушлаб кўтариб, созлиги текширилади. Клапанлар ричагларининг вилкасига ишқаланмаслигини ва ўқларда тифиз айланмаслигини кузатиб туриш керак. Контрол клапан занжирчасидан тортиб, ишлатиб кўрилади. Агар иш сақлагич клапани манометр стрелкаси қизил чизиқчага етишидан олдин ёки кеч очилса, клапанни қўшимча ростлаш учун юкни силжитиш мумкин, аммо юкни кўпайтириш ёки клапанни поналаб (маҳкамлаб) қўйиш мумкин емас. Паст босимли қозонларда сақлагич қурилмани олиб қўйиш ёки бутунлай беркитиб қўйиш ярамайди. Машинист, ўт ёқувчи ёки сув кузатувчилар иш вақтида чалғимасликлари ва босим остида ишлаётган қозонни қаровсиз қолдириб кетмасликлари керак.

Қозонга унга тўғри келмайдиган, тозаланмаган сув қуйиш, шунингдек, қозон қуйқасини ўз вақтида тозаламаслик ва қозонни қиздириш сиртларидан кул ва шлакни (уларни ҳаво билан пуфлаб ёки тозалаб олиш йўли билан) чиқариб ташламаслик портлашга сабаб бўлиши мумкин. Шлак қўлда тешик ўйиб, чиқариб олинади ёки шлак ва кул озроқ ҳаво пуфлаб чиқариб ташланади. Шлакдан ва шлак куйишида ҳосил бўладиган буғдан куйиб қолишдан еҳтиёт бўлиш керак.

Шлак ва кулни ўтхона ёки бункердан туширишдан олдин кулхонадаги кишиларни огоҳлантириш керак. Бунда ва қиздириш сиртларини ҳаво билан пуфлашда, ёнилғини ковлашда ва ташлашда ёки майдалашда ҳимоя кўзойнаклари тақиб олиш лозим.

Қозонни ҳаво оқими билан пуфлашда қозон ва пуфлаш асбоби орасида патрубок ушлаб туриб текширилади. Агар патрубок совуқ бўлса, у қуйқа ва шлак билан тўлиб қолган бўлади. Бу ҳолда ҳаво билан пуфлаш мумкин емас,

Рахбар	Юсупов А.	н ҳосил бўлган тикин ёрилганда зарб вужудга келиб, бу			Бу
Бажарди	Сафаров Б	001.001.023. БМИ. 2012 й.			Варак
Узг	Варак				№ хужжат

зарбадан кейин патрубок қозондан узилиб кетиши мумкин. Тушириш (тўқиш) линиясида буғ-сув зарблари пайдо бўлганда пастки тушириш вентилини зарблар батамом тугагунча бир оз беркитиб қўйиш керак.

Агар қозон қайнаб турганда сув кўрсаткич шишасида сув кўринмаётганлиги аниқланса, пастки контрол кранни тезликда очиш лозим. Агар бу крандан сув чиқса, қозонни дарҳол сув билан тўлдириш керак. Агар крандан фақат буғ чиқса қозонга сув қўйилганда у тез буғланиб кетиб, портлаш юз бериши мумкин. Бу ҳолда қозонни дарҳол тўхтатиш ва бу ҳақда қозонхона мудирига хабар бериш керак.

Қозонни авария вазиятидан ҳимоя қилиш учун ўтхонага ёнилғи ва ҳаво беришни тўхтатиш (ертўлани беркитиш), тортишни камайтириш, ёнилғининг ёнишини тугаллаш ва ўтхонадан чўғни куракда олиб ташлаш (камдан-кам ҳоллардагина чўғни сув сепиб ўчириш мумкин, лекин бунда сув оқимини обмуровкага ёки қозон деворларига теккизмасликка ҳаракат қилиш керак), қозонга сув беришни тўхтатиш ва қозонни магистрал буғ трубасидан узиб қўйиш, сўнгра еса буғни аста-секин атмосферага чиқариб юбориш керак.

Қуйидаги ҳоллар юз берганда: Сув қайнатадиган, тутун-газ юрадиган, буғ қиздирадиган қувурлар ёки економайзер қузури ёрилиб кетганда, турли жойларда турган учта боғланишда ёки ёнма-ён жойлашган икки боғланишда бир вақтнинг ўзида сув сизганда, қозоннинг контрол тикини ериб кетганда, ҳамма таъмирлаш асбоблари ёки барча сув кўрсаткич шишалар ёхуд ҳамма сақлагич клапанлар ишламай қолганда, баҳциз ҳодиса юз берганда, ёнғин чиққанда, газ йўлларида портлаш юз берганда, арматура ёки трубопроводлар зарарланганда, горелкалардаги газ босими йўл қўйилган даражасидан камайиб ёки ортиб кетганда, қозонга сув кўп миқдорда берилишига қарамай сув сатҳи аниқланмаган сабабларга кўра пасайиб кетганда, қозонга сув кўп берилиши, тортиш ва ҳаво бериш камайтирилганига қарамай қозондаги босим рухсат етилгандан ортиб кетганда тўхтатилади.

Иссиқлик куч, асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатишда электр қурилмалардаги огоҳлантирувчи кўргазма воситаларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Созланаётган ёки яқин туриб ишлаётган асбоб-ускунага «Еҳтиёт бўлинг — ишляпти!», иш ўрни яқинидаги газ асбоб-ускунасига еса «Еҳтиёт бўлинг — газ, олов ишлатилмасин!» деб ёзилган огоҳлантирувчи кўргазма воситаси осиб қўйилади. Вентилларга ва созлаш вақтида очиш мумкин бўлмаган бошқа арматурага «Очилмасин — одамлар ишляпти!», ҳаво пуфлаш свечаларига еса «Беркитилмасин — одамлар ишляпти!» деб ёзилган тақиқловчи кўргазма воситаси осиб қўйилади. «Кўтарилиш тақиқланади», «Хавфли зона», «Кўтарилиш жойи шу ерда», «Ўтиш йўли шу ерда» деб ёзилган кўргазма воситасидан ҳам фойдаланилади.

Озиқа буғлагич қозонидаги босим 24,5 кПа (0,25 кгк/см²) дан ошмаслиги керак. Сув ўлчагич шишаси, манометри, сувли сақлагич бакчаси, чиқариб ташлаш найи ёки ричагли сақлагич носоз бўлганда озиқа буғлагични ишлатиш мумкин емас. Механик мустаҳкамликка ҳисобланмасдан тайёрланган ёки зарур контрол-ўлчов арматураси ва чиқариб ташлаш

Рахбар	Юсупов А..			001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б				
Узг	Варак	№ хужжат	Имзо		

мосламалари бўлмаган озик буғлагичларни ҳамда ҳар қандай бошқа буғ хосил қилгичларни ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас. Буғлаш тугагач, кўлқоп киймасдан ва буғ берувчи кранни беркитмасдан озик буғлагичнинг қопқоғини очиш ярамайди. Озика буғлагичдаги сув сатҳи ўз баландлигининг 2-3 қисмидан кўп бўлмаслиги керак. Жўмрақлар ва бакнинг вентили очик турганда таъминлаш бакида ишлаб турган озик буғлагичга сув бериш мумкин эмас.

Қанд лавлаги

Қанд лавлаги сифатининг энг мухим технологик кўрсаткичи ундаги қанд (сахароза) таркибидир. Лавлагининг илдиз меваларида 14дан 20%гача қанд бўлади.

Илдизлар физик ҳолатига кўра нормал турторга, яъни сулимайдиган бўлиши даркор. Кондицион лавлагида нуксонли илдизмевалар бўлиши мумкин, лекин улар стандарта назарда тутилган меъёрлардан ошмаслиги лозим.

Лавлаги туркумида яшил массанинг (яшил барглар, барг бандлари, усимталар ва бегона экинлар) миқдори 3,0%гача чекланган. Кўп миқдордаги яшил массанинг бўлиши илдизмеваларни транспортдан туширишни ва уларни кагатларга тахлашни кийинлаштиради, сақлашда ҳароратнинг ошиб кетишига олиб келади, ажратилган яшил масса тез бўзилиб, чириган жойлар кўпаяди, илдизмевада қолган яшил барглар, барг бандлари ва усимталар кириндиларига кушилади, бу кристалл қанд чиқишини камайтиради ва унинг мелассадаги миқдорини оширади.

Маъданли ўғитлар

Маъданли ўғитларнинг стандартланиши озука моддалари таркибини ошириш, донадорлик таркибига оптимал бир хиллаштирилган талабларни белгилаш, маъданли ўғитларнинг физик-механик хоссаларини ошириш, уларни ташиш, сақлаш ва тупрокка солиш шароитларига талабларни белгилаш билан олиб борилади. Ўғитлар сифати нафақат уларнинг кимёвий таркибини (азот, фосфор, калий, аралашмалар таркибини), кислоталилиги, намлигини, шу билан бирга физик хоссаларини, майда-йириклигини, сочилувчанлигини, донадорлик таркибини, ҳар хил фракцияларнинг

Раҳбар	Юсупов А..			001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б				
Узе	Варак	№ хужжат	Имзо		

фоизлардаги нисбати, доналарнинг мустахкамлиги ва шу кабиларни ҳам ўз ичига олади. Стандартлар ва техник шартларга намлик миқдори, доналарнинг мустахкамлиги, маҳсулотнинг юклаш олдидаги ҳарорати каби янги кўрсаткичларнинг жорий этилиши, донадорлик таркибига талабларнинг оширилганлиги ўғитлар сифатини яхшилашга ижобий таъсир курсатади.

«СПКП. Маъданли ўғитлар. Кўрсаткичлар номенклатураси» стандартига мувофиқ маъданли ўғитлар кимёвий таркибига кўра, бир компонентли ва таркибига макро ва микроэлементлар кириши мумкин бўлган комплекс турларга булинади.

(СТ СЭВ 1416-78) «Маъданли ўғитлар. Турлари» стандартида маъданли ўғитлар тури курсатилган. Маъданли ўғитларга стандартида кўрсаткичлар ва сифат номенклатураси ва уларни тавсифлайдиган маъданли ўғитлар хоссалари: мақсад курсаткичлари (озука моддалари, аралашмаларнинг массадаги улуши, полимерланиш даражаси, эритманинг рН, донадорлик таркиби, уюм калинлиги кўрсаткичи, динамик ёпишқоклик калинлиги), ишончилик кўрсаткичлари (сақлашнинг кафолатли муддати, суспензиялашган ўғитлар гомогенлигининг кафолатли муддати, доналарнинг динамик калинлиги, доналарнинг статик калинлиги, кристалланиш ҳарорати, сочилувчанлик), бир хиллилик кўрсаткичлари (ўғитлар туркумида кимёвий таркиб кўрсаткичлари ва физик-механик хоссаларнинг ўртача квадратик ўзгариши), хавсизлик кўрсаткичлари (хавфлилик синфи, ишчи зонаси хавосида ўғитларнинг буглари ёки чангининг энг кўп йўл куйилиши мумкин бўлган концентрацияси, ўз-ўзидан ёниб кетиш ҳарорати), экологик кўрсаткичлари (ўғитнинг физиологик кислоталилиги, ўғитнинг физиологик ишкорийлиги), технологик кўрсаткичлари (ўғитда озука моддаси бирлигининг киймати) аниқланган.

Маъданли ўғитлар агрегат ҳолатига кўра иккита классификация гуруҳига: каттик (кукунсимонлар ва донадорлаштирилган) ва суюқ (суюктирилган газлар, эритмалар ва суспензиялар) гуруҳларга булинади.

Раҳбар	Юсупов А..			001.001.023. БМИ. 2012 й.	<i>Варак</i>
Бажарди	Сафаров Б				
Узг	Варак	№ хужжат	Имзо		

Маъданли ўғитларнинг сифат кўрсаткичлари умумий, яъни ўғитларнинг хамма шакллари учун мажбурий турга булинади: барча озука моддаларининг массасига улуши, сақлашнинг кафолатли муддати, каттик ўғитлар учун яна сочилувчанлик.

Бактерияли ўғитларда стандартларга кўра тупрокка солинадиган бактериялар миқдори аникланади. Комплекс ўғитларга бўлишини назарда тутуди. Комплекс ўғитлар ташиш ва сақлаш учун ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтирадиган ортикча нарсаларнинг энг кам миқдорини ўз ичига олади.

Охакли ва гипсли материалларга стандартлар амал қилувчи модда таркибини, намлиги, табиий холати ва кадокланиши, уралиши ва ташилишини белгилайди. Амал қилувчи модда таркибига кўра айрим материаллар синфларга булинади.

Стандартларга кўра ўғитларнинг табиий холати назарда тутилган: рангсиз, суюклик, доналар, йирик тангачалар, ялтирок кристаллар, майда кристалл кукун ва бошкалар. Ўғитларнинг табиий холатига кўра стандартлаштирилиши донадорлик таркибига кўра тўзилишини яхшилашга қаратилган. Донатор ўғитлар кукунсимонларидан фаркли равишда доналардан, яъни 1-4мм диаметрли шариклар ёки гувалачалардан иборат бўлади. Улар куксимонларга нисбатан камрок ёпишади, деярли чанг чиқармайди, яхширок ва бир текисда таркалади, шамол уларни камрок учуриб кетади. Донатор ўғитлар билан ишлашда меҳнат гигиенаси яхшиланади ва унумдорлик ошади. Шунинг учун стандартларда ўлчамига кўра доналарнинг фоизли нисбати, кукунсимонлари учун эса - элакда қолган муайян ўлчамдаги заррачаларнинг қолдиғи назарда тутилган.

Ўғитларни сақлашда ёпишиб қолишининг олдини олиш учун стандартлар уларнинг намлик кўрсаткичини меъёрлаштиради. Стандартлар типовой омборларда сақлашда ўғитларнинг ёпишиб қолмаслиги ва амал қилувчи модданинг муайян давр ичида сақланишининг кафолатли муддатини белгилайди.

Рахбар	Юсупов А.			001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б				
Узг	Варак	№ хужжат	Имзо		Сана

МДХ ва хорижда ишлаб чиқариладиган ўғитларнинг сифат кўрсаткичларини солиштириш шундан далолат берадики, мамлакатимизда чиқариладиган маҳсулотлар, одатда, хорижнинг шунга ўхшаган маҳсулотларидан қолишмайди, аммофос ва донадор суперфосфат каби ўғитлар эса хато сифат кўрсаткичларига кўра улардан юқори туради. Ўғитларнинг назорат қилинадиган сифат кўрсаткичларига «Маъданли ўғитлар. Намуналарни танлаб олиш ва тайёрлаш услублари», «Маданли ўғитлар. Донадорлик таркибини белгилаш услублари», «Маъданли ўғитлар. Донадорлик таркибини белгилаш услуби» «Маъданли ўғитлар. Доналарнинг статик мустахкамлигини белгилаш услуби», «Маъданли ўғитлар. Динамик мустахкамлиги ва ёйилишини белгилаш услуби», «Маъданли ўғитлар», «Сочилувчанлигини белгилаш услуби» стандартларида баён қилинган услубларга кўра аниқланади. Стандартлар ўғитларнинг физик-кимёвий хоссаларини: доналарнинг статик ва динамик мустахкамлиги, донадорлик таркиби, ёйилиши ва сочилувчанлигини баҳолаш учун услублар ва аппаратуранинг назарда тутати.

ПКС «Маъданли ўғитлар» озука моддалари таркибини ўртача аммофос учун камида 40%, 1 дан 4мм гача доналар таркибини – 94 %гача бўлишини, маъданли ўғитларнинг сакланиши, ташилиши, тупрокга солинишига ва атроф мухит муҳофазасига талабларнинг белгиланишини назарда тутати.

Пестицидлар

Кимёвий моддалар нафакат ернинг унумдорлигини оширади, шу билан бирга уни зараркунандалар ва касалликлардан химоя қилади, қишлоқ хужалик маҳсулотларини ва улар сифатини сақлашга имкон беради. Пестицидларнинг қулланилиши билан боғлиқ харажатлар бир йилда ўзини оқлайди. Хусусан, донли экинлар майдонларида кимёвий ишлов бериш учун харажатларнинг хар бир бирлиги 3-5 баробар, пахта ва қанд лавлагида 5-7 баробар, боғ ва тоқзорларда 10-20 баробар ўзини қоплайди. Хозирги вақтда, техник экинларнинг (қанд лавлаги, пахта, кунгабоқар зигир, соя) 90-100 %,

Рахбар	Юсупов А..			001.001.023. БМИ. 2012 й.	<i>Варак</i>
Бажарди	Сафаров Б				
Ўзг	Варак	№ хужжат	Имзо		

донли экинларнинг 40-60 %, сабзаёт экинларининг 30-40 % майдони гербицидлар билан ишлаш мақсадга мувофиқлиги эътибор этилган.

Пестицидларни стандартлаштириш асос таркибининг оширилиши ва унинг физик хусусиятларини яхшилаш йуналишида олиб борилади.

Пестицидларга стандартлар физик-кимёвий хоссалари: ташки курилиши. Улардаги сув, тулдирувчилар, аралашмалар, майдаланиш даражаси бўйича меъёрлаштирилган кўрсаткичларни аниқлайди.

Физик ҳолатига кўра куйидагича пестицидлар чиқарилади: дустлар, хулланадиган кукунлар, концентранган эмульсиялар, эритмалар, пасталар ва хоказо.

Кимёвий таркибига кўра пестицидларнинг бир қисми стандартларга биноан навларга (биринчи, иккинчи) бўлиниши назарда тутилган.

Пестицидларнинг кўпгина хилларига стандартлар ишлаб чиқилган ва улар оширилган талаблар куяди, жумладан: 1) улардан қишлоқ хўжалигида кулланишга имкон берадиган одам ва ҳайвонлар учун кескин ва сурункали захарлилигининг камлиги; 2) персистентлигининг камлиги ва ташки муҳитда оддий маҳсулотларни ҳосил қилиб бир вегетация даври давомида парчаланиб кета олиши, бундай маҳсулотлар қолдикли микдорига кўра одам, ҳайвонлар ва паррандалар учун қандайдир хавф тугдирмаслиги керак; 3) кулланиш, сақлаш ва ташишнинг қулайлиги; 4) кулланишда юксак иктисодий самарадорлиги; 5) фойдали организмларга нисбатан селективлиги.

Стандартлар аниқ тамгалашни, ташишда ва кулланишда қулай бўлган катъий белгиланган идишни назарда тутди.

Препаратларни физик ҳолатига кўра ҳар хил турдаги идишларга солинади.

Стандартга кўра дустлар ва хулланадиган кукунларни бир неча каватли коғоз копларга; эмульсия ва аралашмаларни сирти пажараланган металл бочкаларга, канистрлар бидонлар ва шиша идишларга; пасталарни - барабанларга солиш ва шу кабилар назарда тутилади.

Рахбар	Юсупов А.			001.001.023. БМИ. 2012 й.	<i>Варак</i>
Бажарди	Сафаров Б				
Узе	Варак	№ ҳужжат	Имзо		Сана

6. Иқтисодий қисм

6.1. Хом – ашё харажатлари.

Лойиҳалаштирилган технологик тизим бўйича корхона бир мавсумда 303 кун ишлайди ва ҳар бир кунимизда 3 та смена бўлади, жами бўлиб $303 \times 3 = 609$ смена ишлайди. Корхона бир мавсумда:

1195,6 тонна лавлаги,

77,2 тонна пиёз,

38,8 тонна усимлик мойи,

0,5 тонна дафна,

0,5 тонна мурч,

13,8 тонна туз,

10,1 тонна шакар ва

7,5 тонна сирка ишлатади:

1) 1 кг лавлагини 300 сумдан олсак, 1 тоннаси $300 \times 1000 = 300000$ сум булади,
1 тоннаси $1000 \times 300 = 300\ 000$ минг сев булади.

Мавсумда:

$1195,6 \times 300 = 358680$ минг сум

2) 1 кг пиёзни 500 сумдан олсак, 1 тоннаси $500 \times 1000 = 500\ 000$ сум булади.

Мавсумда:

$77,2 \times 500 = 38600$ минг сум булади.

3) 1 кг ўсимлик мойини 4000 сумдан олсак, 1 тоннаси 4000 минг сум бўлади.

Мавсумда:

$38,8 \times 4000 = 155200$ минг сум.

4) Зираворлар ва қўшимча материаллар учун

Жами: $300\ 000$ минг сум сапфланади деб олсак,

Хом – ашёнинг харид нархи :

$358680 + 38600 + 155200 + 300000 = 852480$ минг сум булади.

Рахбар	Юсупов А..			001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б				
Узг	Варак	№ хужжат	Имзо		

6.2. Жихоз ва қурилмалар харажати.

Лойиҳалаштирилган технологик тизим учун керак бўлган жихоз ва қурилмаларнинг харажатлари қуйидагича:

Т/р	Жихоз номи	Русуми	Сони	Баҳоси минг сум	Суммаси минг сум
1	Саралагич	ТСИ	2	600	1200
2	Тозалагич	Хаккир	2	700	1400
3	Ювиш машинаси	КУУМ-1	2	700	1400
4	Колибрлаш	А9-ККБ	2	800	1600
5	Тозалагич	ММКВ- 2000	2	800	1600
6	Бланширлаш	БК	2	500	1000
7	Совутиш	Ванна	2	300	600
8	Саралаш машинаси	Флатацион ювиш	2	500	1000
9	Донларни ажратиш	Дон ажратгич	2	1000	2000
10	Инспекциялаш	ТСИ	2	400	800
11	Қайта тайёрлаш	МЗС-2440	2	900	1800
12	Қадоқлагич	АЗМ-ЗП	2	1200	2400
13	Стерилизация	Б6-КАВ -4	2	1000	2000
14	Ёрликлаш	Ёпиштиргич	1	1200	1200
15	Сақлашга узатиш	ТЛ-транс.	2	400	800
	Жами:		29	x	20800

Жихоз ва қурилмаларни ўрнатиш учун 10% ажратсак $20800 * 0,10 = 2080,0$ минг сум керак бўлади.

Демак корхонага лойиҳаланган тизимни сотиб олиш ва ўрнатиш учун умумий

$20800 * 2080,0 = 22880,0$ минг сум керак бўлади.

Рахбар	Юсупов А.				
Бажарди	Сафаров Б			001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Узг	Варак	№ ҳужжат	Имзо	Сана	

6.3. Коммунал харажатлар.

Корхонадаги мавжуд бўлган жихозларнинг асосий қисми электр энергия билан ишлайди. Шунинг учун мавсум давомида сарф бўладиган электр энергия сарфини ҳисоблаймиз:

Т/р	Қурулма русуми	Сони дона	Қуввати кВт	Иш вақти соат	Иш куни	Жами кВт/ сум
1	ТСИ	2	1,5	24	160	11520
2	Хаккир	2	1,5	24	160	11520
3	КУУМ-1	2	3,0	24	160	23040
4	ММКВ- 2000	2	3,0	24	160	23040
5	БК	2	1,5	24	160	11520
6	ТСИ	2	1,5	24	160	11520
7	МЗС-2440	2	3,0	24	160	23040
8	АЗМ-ЗП	2	1,5	24	160	11520
9	Б6-КАВ -4	2	3,0	24	160	23040
10	Этикетка ёпиштиргич	1	1,5	24	160	11520
11	ТЛ.	2	1,5	24	160	11520
	Жами:	21	22,5	24	160	1.814400

Демак корхона бир мавсумда талаб қилинган электр энергия 1.814400 кВт.га тенг.

1 кВт электр энергиямиз 97 сум бўлса ўрта ҳисобда 100 сум деб оламиз:
 $1.814400 * 100 = 181440.000$ сум = 181440 минг сумни ташкил қилади.

Бундан ташқари корхонани хом-ашёни қайта ишлаб чиқариши учун ишлатиладиган газ ва сув миқдори ва уларга бўлган харажатларни ҳисоблаймиз.

Рецептурага асосан ўрта ҳисобда 1 минг шартли банка тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун 10м^3 газ ва 20 м^3 сув ишлатилади деб олсак:

1 сменада 20м.ш.б. маҳсулот ишлаб чиқарилади; шунинг учун

$$20 * 10 = 200\text{м}^3 \text{ газ}$$

$$20 * 20 = 400\text{м}^3 \text{ сув}$$

Рахбар	Юсупов А..				001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б					
Узг	Варак	№ ҳужжат	Имзо	Сана		

Мавсумда эса 480 смена бўлгани учун

$$480 * 200 = 96000 \text{ м}^3 \text{ газ}$$

$$480 * 400 = 192000 \text{ м}^3 \text{ сув сарфланади.}$$

Демак 1 м^3 газни 90 сумдан ва 1 м^3 сувни 60 сумдан ҳисобласак:

$$\text{Газ учун. } 96000 * 90 = 8640000 \text{ сум} = 8640 \text{ минг сум бўлади.}$$

$$\text{Сув учун. } 192000 * 60 = 11556000 \text{ сум} = 11556 \text{ минг сум.}$$

$$\text{Жами: } 11556 + 8640 = 20196 \text{ минг сум}$$

6.4. Иш ҳақи харажатлари.

Корхонадаги тасдиқланган штатлар жадвали асосида 35 та шчи ва хизматчилар бўлиб, йиллик иш фонди ҳисобланади.

Т/р	Лавозими	Тариф разяди	Сони	Тариф коэффиценти соат	Суммаси сум
1	Корхона рахбари	22	1	10,240	644301
2	Бош технолог	21	1	9,804	616868
3	Бош ҳисобчи	20	1	9,371	589623
4	Бош инженер	21	1	8,804	616868
5	Бош энергетик	20	1	9,371	589623
6	Смена бошлиғи	19	3	8,943	562694 * 3 = 1688082
7	Ёрдамчи ҳисобчи	18	2	8,522	536204 * 2 = 1072408
8	Ишчила	17	20	8,106	510030 * 20 = 10200600
9	Қоровуллар	16	2	7,697	484295 * 2 = 968590
10	Фаррошлар	10	4	5,362	337377 * 4 = 1349508
	Жами:		34		9336471

Рахбар	Юсупов А..		
Бажарди	Сафаров Б		
Узг	Варак	№ ҳужжат	Имзо Сана

001.001.023. БМИ. 2012 й.

Варак

Демак корхонанинг бир ойлик иш хақи фондини 9336471 сум яъни 9 млн 366 минг 471 сумни ташкил этади.

Корхона 6 ой фаолият кўрсатади, шунинг учун:

$$9336,471 * 6 = 56018,826 \text{ минг сумни ташкил қилади.}$$

Корхонани қуриш учун 6000000 минг сум сарфланади.

Корхонанинг мавсумдаги умумий харажатларини ҳисоблаймиз:

2500:960=2605 физик банка компот, 7000: 1200=5834 минг банка мураббо

$$A) \underline{8439000 * 500 = 4219500000 \text{ сум} = 4219500 \text{ минг сум}}$$

Б) Хом – ашёни сотиб олиш ва келтириш 17142500 минг сум.

В) Жихозлар ва қурилмаларни ўрнатиш 22880 минг сум.

Г) Коммунал тўловлар 201636 минг сум

Д) Меҳнатга ҳақ тўлаш 56018,826 минг сум

Е) Корхонани қуриш 6000000 минг сум

Ж) идишлар учун 4219500 минг сум

Жами: 17142500 + 22880 + 201636 + 56018,826 + 6000000 + 4219500 = 4311000 минг сум.

6.5. Тайёр маҳсулотни реализация қилиб олинадиган даромадни ҳисоблаймиз.

Салат учун рецептурага асосан:

А) Лавлаги 70% яъни $1195,6 \times 0,70 = 836,92$ тонна,

Б) Пиёз 20% яъни $77,2 \times 0,20 = 15,44$ тонна,

В) Зираворлар 8% яъни $30,5 \times 0,08 = 2,44$ тонна.

Г) Суюклик 2% $854,8 \times 0,02 = 17,096$ тонна хом ашё сарфланса

Жами салатимиз:

$$836,92 + 15,44 + 2,44 + 17,096 = 871,896 = 872 \text{ тонна булади.}$$

6.6. Корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаймиз.

1 кг салатимизни 8000 сумдан сотамиз: 1 тоннаси $1000 \times 8000 = 8000$ минг сум булади, Мавсумда эса $872 \times 8000 = 6976000$ минг сум даромад булади.

Раҳбар	Юсупов А..			001.001.023. БМИ. 2012 й.	<i>Варак</i>
Бажарди	Сафаров Б				
Узг	Варак	№ хужжат	Имзо		

Юқоридаги натижалар Хом ашё таннархини 4311000 минг сумлигини кўрсатгани учун:

Фойдани ҳисоблаганимизда

$$\Phi = Д - Т = 6976000 - 4311000 = 2665000 \text{ минг сумни курсатди.}$$

Рениабеллик даражасини аниқлаймиз:

$$P_d = \Phi / T \times 100 = 2665000 / 4311000 \times 100 = 61,8 \%$$

Коржона харажатларини қоплаш муддатини ҳисоблаймиз

$$K_m = T / \Phi = 4311000 / 2665000 = 1,6 \text{ йил.}$$

Юқоридаги ҳисоблаб чиқарилган натижалар асосида тизимнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тузамиз:

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар:

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Корхонанинг даромади	Минг сум	6976000
2	Корхона харажатлари	Минг сум	4311000
3	Фойда	Минг сум	2665000
4	Рентабеллик	%	61,8
5	Харажатларни қоплаш муддати	йил	1,6

Рахбар	Юсупов А..			001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б				
Узг	Варак	№ ҳужжат	Имзо		Сана

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон – бозор муносабатдарига ўтишнинг ўзига хос йўли”, Тошкент- 1994.
2. Каримов И.А “Ўзбекистон иқтисодий-сиёсий ривожланишининг асосий йўналишлари”, Тошкент-1995.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида”, Тошкент-1996.
4. А.А.Маржаниан и др. Лабораторнўй практикум по курсу «Технология вина».
- 5 Бўриев Х.Ч. Ризаев Р.М. «Мева – узум махсулотларини биокимёси ва технологияси» Т.«Мехнат», 1996.й
- 6.Бўриев Х.Ч. Жўраев Р., Алимов О Мева сабзотларни сақлаш ва дастлабки ишлов бериш. Т. «Мехнат», 2002.
- 7.Глазунов А.М., Сарнау И.М. Технология вин и коньяков. М., Агропромиздат,1990
М.: «Агропромиздат», 1990 г.
- 8.М.: «Лёгкая и пищевая промышленность», 1981 г. – 216 стр.
- 9.Зайчик И.Р. «Оборудование предприятий виноделческого производства». М.: «Агропромиздат», 1992 г.
- 10.Орипов Р., Сулаймонов И., Умирзоқов Е. Кишлок хужалик махсулотларини сақлаш ва кайта ишлаш технологияси. Т., «Мехнат». 1991 й.
- 11.Кудряшов Н.А. Агеева Н.М. Технология вина, М. 1993.
- 12.Шолс Е.П., Понамарёв Е.Ф. «Технология переработки винограда»
- 13.Широков Е.П. Практикум по хранению и переработки плодов и овощей. М., «Колос»,1989.
- 14.Виноградство и виноделия. Под. Редаксей Е.А Верновского.М., «Колос» 1984
- 15.И. Шукуров, А. Юсупов. «Шароб тайёрлаш технологияси» фанидан услубий кўрсатма. Самарқанд., Сам ҚХИ. 2005.й

Рахбар	Юсупов А..				001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б					
Узе	Варак	№ хужжат	Имзо	Сана		

16“Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тў`рисида”ги Вазирлар Мащкамасининг 2004 йил 5 августдаги № 373 сонли қарори,

17.www. стандарт. уз.

18.www. узстандарт. гов.уз

19.www. жаҳон.мфа.уз

20.www. Смсити.илим.уз

21.www. news.узрепорт.ком

22.www. ура.уз

Рахбар	Юсупов А..			001.001.023. БМИ. 2012 й.	Варак
Бажарди	Сафаров Б				
Узе	Варак	№ хужжат	Имзо		Сана